

Амалларим тўхтаб қолаётганига йиғлаяпман



08:00 / 09.06.2020 1729

Ибн Халликондан ривоят қилинади: «Абу Асвад Дуалийга ўлим вақтида «Мағфиратдан хушхабар беринг!» дейишди. У киши: «Бундай дейишга Гаффор Зотдан ҳаё қиламан», деди».

Абдуллоҳ ибн Наср айтади: «Ибн Дорисий касал бўлиб қолди. Уни кўргани борсак, олдида Яҳё ибн Умар, Ҳамдис Қаттон, Жабала ва Саҳнуннинг катта шогирдлари ҳам бор экан. Улар Ибн Дорисийнинг бош тарафида ўтиришар, у эса қиблага қараб сажда қилар, кўзларидан тинмай ёш оқарди. Яҳё ибн Умар унга: «Аллоҳ сени ислоҳ қилсин, нима учун йиғлаяпсан?» деди. У: «Аллоҳга қасамки, ўлимдан қўрқиб йиғлаётганим йўқ. Ўлим шубҳасиз ичиладиган қадах, Аллоҳ азза ва жаллага қайтишдир. Мен ҳам карамли ва раҳим Аллоҳга қайтаман. Мен ўлгандан кейин Қуръон тиловат қилиш, кечаси намоз ўқиш, таҳажжуд ўқиш, кундузи рўза тутиш роҳатларидан маҳрум бўлаётганимга, амалларим тўхтаб қолаётганига йиғлаяпман», деди. Кейин дўстларига баъзи нарсаларни васият қилди. Бир оздан сўнг калимаи шаҳодатни айтиб, жон таслим қилди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан